

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1443-ҳадис

1443/3535 – وَفِي رِوَايَةٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ زِيَادَةٌ: إِلَّا مَوْضِعَ لَبْنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ، وَقَالَ فِي آخِرِهِ: فَأَنَا اللَّبْنَةُ، وَأَنَا خَاتِمُ النَّبِيِّينَ.

1443.3535. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Албатта, мен ва мендан олдинги анбиёлар бир киши қуриб, чиройли ва гўзал қилган, фақат бир бурчакдаги биргина ғиштнинг ўрнини қолдирган уйга ўхшаймиз. Одамлар унинг атрофида айланар, ундан ажабланишар ва: «Мана бу ғишт ҳам қўйилгандами», дейишар эди. Мен ана ўша ғиштман ва мен хотимун-набиййинман (набийларнинг сўнггисиман)».**

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI